Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти

2008 ЙИЛ, 24 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 245 (11.306) Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** Шайхонтоҳур туман ҳокимлигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада яхшилаш масалаларига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ташаббуси билан бизнес-семинар уюштирилди.

● **КЕЧА** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий Кенгаши ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

● **КЕЧАДАН** шаҳримизда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Республика «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши, Ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорликларида ёшлар ўртасида ташкил этилган «Келажак овози» кўрик-танловининг республика босқичи бошланди. Хусусан, Тошкент Ахборот технологиялари университетида танловнинг ахборот телекоммуникация йўналиши, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида ижтимоий фанлар йўналиши ҳамда миллий либослар ва дизайн йўналиши бўйича беллашувлар бўлиб ўтмоқда.

● **КЕЧАДАН** Республика Олий судининг тадқиқотлар марказида олий ўқув юртлари талабалари ўртасида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган Республика фан олимпиадасининг ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича беллашувлар бошланди.

● **КЕЧА** шаҳримизда ёшлар иштирокида «Келажак сари» ёш тингловчилар мактаби ташаббуси билан ўтказилган ўқув семинари Республика Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида уюштирилди.

● **РЕСПУБЛИКА** Ёш томошабинлар театри ижодкорлари келажагимиз ворисларига қишки таътил кунларида Ганс Христиан Андерсеннинг «Қор маликаси» асари асосида тайёрланган спектаклни намойиш этишни режалаштиришди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Қўшма корхоналарда

ТЕЖАМКОРЛИКДА ФОЙДА БЕРМОҚДА

ЎЛЧОВ — ТЕЖАМКОРЛИККА ГАРОВ, ДЕБ БЕЖИЗГА АЙТИЛМАЙДИ. АЛБАТТА, ҲИСОБ-КИТОБ АНА ШУ ЎЛЧОВ АСОСИДА БЎЛСА, ТЕЖАМКОРЛИККА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ, ТАБИИЙ ГАЗ, ИССИҚ ВА СОВУҚ СУВ, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИСРОФГАРЧИЛИГИНИНГ ОЛДИ ОЛИНАДИ. НЕГАКИ, ҲИСОБЛАГИЧЛАР «ГИР-ГИР» АЙЛАНАВЕРГАЧ, ИСТЕЪМОЛЧИ ҲАМ ТЕЖАШНИ ЎЙЛАБ ҚОЛАДИ, ҚИММАТБАҲО РЕСУРСЛАРНИ БЕҲУДА ИШЛАТМАЙДИ.

Ана шундай зарур ускуналардан саналган замонавий электрон ҳисоблагичлар бугунги кунда пойтахтимиздаги «Электрон ҳисоблагич» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида ишлаб чиқарилмоқда. Юртимизда хорижий инвесторларга яратилган қулай шарт-шароитлар ва инвестицион муҳитнинг самараларидан бири бўлган мазкур корхона 2004 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Тадбиркорларнинг изланиш ва саъй-ҳаракатлари билан замонавий технологик линиялар қувватидан унумли фойдаланган ҳолда бу ерда электр энергияси сарфини ўлчовчи бир ҳамда уч фазали электрон ҳисоблагичлар ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, мазкур қўшма корхона «Ўзбекэнерго» акциядорлик компанияси ва Хитойнинг «Holley Group» корпорациялари ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, айни пайтда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати билан ажралиб туради ва халқаро стандарт талабларига жавоб беради.

Бугунги кунда корхона цехларида 70 нафарга яқин малакали ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Улар учун қулай меҳнат қилиш ва яхши дам олиш шароитлари яратилганлиги, малакаларини оширишга қаратилган эътибор сифат ва самарадорликда яққол акс этиб туради.

— Ҳозирда корхонамизда тайёрланаётган электрон ҳисоблагичлар илгарилари четдан келтириларди, — дейди корхонанинг савдо ва ишлаб чиқариш бўйича директори Ойбек Дўстмуҳамедов. — Сифатга катта эътибор қаратилаётгани боис ҳам тайёрланаётган электрон ҳисоблагичларимиз импорт ўрнини босмоқда. Энг муҳими эса қимматбаҳо бойлигимиз саналган электр энергияси тежамкорлигида, ундан ноқонуний фойдаланишларнинг олдини олишда катта ҳисса бўляпти. Электрон ҳисоблагичларимиз хонадон ва ташкилотлар учун мўлжалланган бўлиб, юқори сифатга эгалиги билан ажралиб туради.

Таъкидлаш жоизки, фаолият кўрсатаётган қўшма корхонада электр энергияси сарфини ҳисобга олувчи замонавий автоматлаштирилган «Аскуэ» тизими ишлаб чиқилган. Ушбу тизимнинг афзал томони хусусида тўхталадиган бўлсак, у электр энергиясини тежаш имкониятини яратиб, истеъмолчиларнинг ишлатилган электр энергияси учун вақтида ва аниқ ҳисоб-китоб қилишларини таъминлаб беради. Шуниси эътиборлики, мазкур тизимни мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жорий этиш режалаштирилянти.

Корхонада тайёрланаётган электрон ҳисоблагичлар турларига талабнинг ортиб бориши йил сайин ишлаб чиқариш ҳажми ўсишида муҳим омил бўлмоқда. Агарда ўтган 2007 йилда 6,7 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, 2008 йилнинг ўтган ўн ойида ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига солиштирганда қарийб ўттиз фоизга ортди.

Имкониятлардан оқилона фойдаланишни кўзлаётган корхона тадбиркорлари шериклар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, келгуси йилда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, қўшимча ишчи ўринлари яратишни режалаштирмоқда. Энг асосийси эса корхона ўзининг импорт ўрнини босувчи маҳсулотлари билан ички бозорда муносиб ўрин эгаллаб, электр энергияси тежамкорлигига ҳам катта ҳисса қўшади.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: малакали мутахассислар маҳорати сифатли маҳсулотлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган суратлар

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАЁТГАН МАМЛАКАТ

ТУРКИЯДА ҲАР ОЙДА НАШР ЭТИЛАДИГАН ВА ДУНЁНИНГ 50 ДАН ОРТИҚ МАМЛАКАТЛАРИДА ТАРҚАТИЛАДИГАН «YESEVI» ЖУРНАЛИНИНГ НАВБАТДАГИ СОНИДА ЖУРНАЛИСТ ИСМАТУЛЛА ЯССАВИЙНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ВА ИСЛОМ КАРИМОВ» НОМЛИ МАҚОЛАСИ ЧОП ЭТИЛДИ. МАҚОЛА ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲБАРЛИГИДА МАМЛАКАТДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЯНГИЛАНИШЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАНИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛИНАДИ.

«Ўзбекистон ўз мустақиллигини 1991 йил 1 сентябрда эълон қилди, — дейилади мақолада. — СССР парчаланганидан кейин собиқ иттифоқ ҳудудида жойлашган мамлакатларда мураккаблашган аҳвол тартибсизликларни бартараф этиш, ҳуқуқий тартибни сақлаш ва аҳолининг кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларини таъминлаш, биринчи галда, озиқ-овқат масаласини ҳал этишнинг тезкор чораларини кўришни талаб этарди. Ана шундай мураккаб шароитда Президент Ислом Каримов томонидан мамлакатни иқтисодий ривожланиш йўлига олиб чиқадиган ва бу соҳада эътиборли муваффақиятларга эришишга хизмат қиладиган чуқур ўйланган ислоҳотларни амалга оширишга киришилди».

Айниқса, Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида қўлга киритган муваффақиятлари ҳақида гапирар экан, турк журналисти мамлакатда қисқа муддат ичида пухта қонунчилик базасини шакллантиришга эришилгани, мамлакатнинг жуда кўплаб халқаро декларация ва ҳужжатларга қўшилганига, суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширилишига, энергетика соҳаси, қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, банк иши, молия, солиқ ва бошқа тармоқлар бўйича давлат дастурларининг ишлаб чиқилиши ва уларни муваффақият билан амалга тадбиқ этилишига эътибор қаратади. Ҳозирги кунда мамлакатда суд-ҳуқуқ соҳасини чуқур ислоҳ қилиш ва либераллаштириш жараёни якунига етмоқда ва судларни ихтисослаштириш амалга оширилмоқда. Мамлакатда ўлим жазоси бекор қилинган. Ўзбекистон Қуролли кучлари ва ҳарбий хизмат бўйича ислоҳотлар амалга оширилди.

«Ўзбекистон ҳукуматининг сиёсати хорижий сармояларни жалб қилиш учун энг қулай имкониятлар яратиш ва сармоядорлар кафолатларини таъминлашга йўналтирилган, — деб ўз фикрини давом эттиради И. Яссавий. — Мамлакат сармоядорларни солиқ имтиёзлари яратилгани, табиий ресурсларга бойлиги, малакали ишчи кучи етарли эканлиги, ривожланган банк ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатилиши билан ўзига тортмоқда».

Журналист қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётининг асосий йўналишларидан бири эканлигини ва мамлакат пахта, мева, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилиш бўйича дунёнинг етакчи давлатлари қаторида туриши ҳақида гапирар экан, Ўзбекистон олтин, мис, алюмин, вольфрам, кўмир, мармар, табиий газ ва нефть каби ер ости қазилма ресурсларига ҳам бой эканлигини таъкидлайди. «Бундан ташқари, мамлакатда нефтни қайта ишлаш ва кимё саноати ривожланган. Иқтисодиётни ривожлантириш стратегияси бозор инфратузилмаси институтларини ташкил этиш орқали бозор макроиқтисодий муносабатларини таъминлашга йўналтирилган. Бу аҳоли фаровон турмуш даражасининг ўсишига имконият яратади».

Мақолада мустақиллик йилларида таълим соҳасида муҳим ижобий ўзгаришлар ҳам эътибордан четда қолмаган. «Миллий таълим дастурининг амалга оширилиши доирасида юздан ортиқ академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари қурилди ва капитал таъмирланди, замонавий мебеллар, ўқув лаборатория жиҳозлари билан таъминланди, компьютер синфлари, лингафон хоналари ташкил этилди, — деб ёзади И. Яссавий. — Асосий ислоҳотлар олий таълим йўналишида олиб борилди, бакалавр ва магистр тайёрлаш бўйича Европа тизими жорий этилди. Бугунги кунда мамлакатдаги 60 дан ортиқ олий ўқув даргоҳларида 300 минг нафардан зиёд талабалар 850 йўналиш ва ихтисослик бўйича таълим олмоқда. Фанлар академияси ва унинг улкан илмий салоҳиятга эга бўлган 40 дан ортиқ институтлари фаолият кўрсатмоқда. Ядровий физика, иссиқлик физикаси, астрофизика, биология, сейсмология ва археология соҳалари каби табиий ва аниқ фанларнинг жуда кўп йўналишларида истиқболли тадқиқотлар олиб борилмоқда».

Ўзбекистоннинг маданий ҳаёти ҳақида гапирар экан, журналист ўқувчилар эътиборини Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро Ислом ташкилоти – ISESCO томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳри Ислом маданиятининг пойтахти деб эълон қилинганига қаратади. «Ўзбекистонда бетакрор тарихий ёдгорликлар, бебаҳо меъморий обидалар, маданий қадриятлар, палеолит давридан бошланувчи ўрта асрларнинг қўлёзма ва экспонатлари сақланиб қолган, — деб таъкидланади мақолада. — Ўзбекистон дунё маданияти ва тамаддунининг бешиги сифатида ўз халқининг маданий меросини асраш ва ривожлантириш мақсадида кенг кўламли ободонлаштириш ишларини амалга оширмоқда. Мустақиллик йилларида Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан қадимий тарихий обидаларни қайта тиклаш ва реконструкция қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Авлодларнинг бебаҳо моддий ва маънавий мероси қайта тикланмоқда ҳамда авайлаб асралмоқда. Евроосиёнинг маркази ҳисобланган бугунги Ўзбекистон минтақа билан нафақат йўллар, ҳаво ва темир йўл алоқалари орқали, балки маданий яқинлиги билан ҳам боғлиқ».

И. Яссавий ўз мақоласини шундай якунлаган: «Ўзбекистон қадимдан маданият, сиёсат, адабиёт, фан ва санъатнинг атоқли марказларидан бири бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолади. Ўз Президенти раҳнамолигида Ўзбекистон халқи мамлакатнинг Осиё дунёсида етакчи бўлиши ва ўзининг буюк келажаги сари шаҳдам қадамлар қўйишига асос бўладиган ислоҳотларни амалга оширишда муваффақиятли давом этмоқда».

«Жаҳон» АА, Истамбул

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси йиғилишида Ўзбекистон Республикаси «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонунининг Фарғона вилоятидаги ижроси масаласи муҳокама қилинди.

● Россиянинг «Инком-Тарандубитель» шўъба корхонаси Хонобод шаҳрида замонавий тикув цехини очди ва бу ерда 100 киши иш билан таъминланди. Янги цехга 53 та тикув, кўплаб тўқув ва бичиш машиналари, дазмоллаш линияси ўрнатилган бўлиб, бу ерда иш кийимлари ва чойшаблар ишлаб чиқарилади.

● Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси Оролбўйи болаларига ўзига хос Янги йил совғасини тайёрлади. Болажонларга 13 та замонавий компьютерни беғараз тарзда топшириш режалаштирилди.

● Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университетида бошланғич мусиқа таълими масалаларига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

● Андижон шаҳрида шаҳар ҳокимлиги ва Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Ярмаркада иштирок этган 80 дан ортиқ корхона, ташкилот ва хусусий фирмалар мингга яқин иш ўринларини тавсия этишди. Шу куни 215 киши ўзи хоҳлаган ишларга жойлашди, 50 дан ортиқ ўсмирлар ва қизлар ҳунар сирларини ўрганиш учун ўқув курсларига юборилди.

● «Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газеталари таҳририяти томонидан анъанага кўра спорт журналистлари ўртасида ўтказилган сўровга кўра Олимпиада ўйинларининг кумуш нишони соҳиби, курашчи Абдулла Тангриев 2008 йилнинг энг яхши спортчиси дея эътироф этилди. Танлов дастурига кўра шунингдек, йилнинг энг яхши мураббийси, жамоаси, ҳомийси ва фидойиси ҳам аниқланди.

● Хива тумани Бандликка кўмаклашиш маркази касаначиликни ривожлантириш маркази ҳамда 17 та хусусий корхона билан ҳамкорликда аёллар учун ўқув курслари ташкил этди. Бу курсларда касб-ҳунар ўрганган 85 нафар аёл ишга жойлашди. Яна 90 нафар хотин-қиз зардўзлик, тикувчилик, каштачилик сирларини ўрганмоқда.

● Фавқулодда вазиятлар вазирлигида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада кучайтириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Европа марказий банки президенти Ж.К.Тришье жаҳонда рўй бераётган молиявий инқироз бутун молия-иқтисодиёт тизимининг ўзгартирилишини тақозо этаётганлигини таъкидлади.

● Бугун «Газпром» ва «Нафтогаз Украини» компаниялари ўртасида Россия газини 2009 йилдан бошлаб Украинага етказиб бериш шартлари юзасидан музокаралар бўлиб ўтди.

● Ироқ парламенти Австралия, Буюк Британия, Руминия, Сальвадор ва Эстония ҳарбийларининг ушбу мамлакатда бўлиши муддатини келаси йил охирига қадар узайтирди.

● Италия пойтахти Рим шаҳридаги Леонардо да Винчи аэропорти ходимларининг иш ташлаш намойишлари туфайли ўнлаб рейслар бекор қилинди.

● Бразилияда кузатилаётган ноқулай об-ҳаво шароити қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, Сан-Пауло шаҳри аэропорти вақтинчалик ёпилди, бундан ташқари, тинимсиз ёғаётган ёмғир кўплаб дарёларнинг ўзанидан тошиш хавфини юзага келтирмоқда.

● Мисрда рўй берган йирик автобус ҳалокати натижасида автобусдаги Украина, Россия ва Латвия фуқароларидан етти нафари ҳаётдан кўз юмди, 17 нафари турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Бу кейинги тўрт ой ичида Мисрда рўй берган бешинчи йирик автобус ҳалокатидир.

● БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциясига мувофиқ ҳозирда 17 та мамлакатнинг ҳарбий кемалари Сомали қирғоқларида шу атрофда ҳаракатланаётган кемалар хавфсизлигини таъминламоқда.

● Гвинеяни 24 йилдан бери бошқариб келаётган амалдаги президент Лансана Конте 74 ёшда ҳаётдан кўз юмди. Олий суд қарорига кўра унинг ўрнини парламент спикери вақтинчалик эгаллайди. Президент сайловлари эса 60 кун ичида ўтказилиши керак.

● Кеча Сингапурда шу йилнинг февраль ойида ишга туширилган жаҳондаги энг улкан — 40 қаватли бино баландлигига тенг айланма томоша аттракциони электр қувватидан узилиб қолиши оқибатида 173 киши хатар остида қолди. Қутқарувчиларнинг олти соат давомида амалга оширган саъй-ҳаракатлари натижасида уларнинг барчаси бехавотир тарзда қутқариб олинди.

● Бир лаҳзада фотосуратни чиқариб берувчи техникани яратган Американинг Polaroid компанияси АҚШнинг банкротлик тўғрисидаги қонунининг тегишли моддасидан фойдаланган ҳолда ўзини банкрот деб эълон қилди. Шу тариқа Polaroid қарз берганлардан муҳофазага эга бўлади ва шунинг баробарида фаолиятини ҳам давом эттириши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОНДА САРМОЯДОРЛАРГА ЯРАТИЛГАН МУҲИТ ҲАҚИДА ЛОНДОНДА КОНФЕРЕНЦИЯ

ЛОНДОНДАГИ СИТИ ИШБИЛАРМОНЛИК МАРКАЗИДА ЖОЙЛАШГАН «DENTON WILDESAPTE» ЮРИДИК КОМПАНИЯСИНИНГ БОШ ИДОРАСИДА «ЎЗБЕКИСТОНДА БИЗНЕС УЧУН ЯРАТИЛГАН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР: АТРОФ-МУҲИТ СЕКТОРИ, ЖУМЛАДАН, СОФ ТАРАҚҚИЁТ МЕХАНИЗМИ» МАВЗУСИГА БАҒИШЛАНГАН АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ.

IBC Conferences, «British American Tobacco», «WorleyParsons», «Oxus Gold» ва «Shell» компаниялари кўмагида ташкил этилган учрашувда Ўзбекистон иқтисодиёт вазирлиги «Ўзбекнефтегаз», «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекэнерго», «Ўзкоммунхизмат» ва «Ўзинфоинвест» каби мамлакатимизнинг йирик компания ва агентликлари ҳамда Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш жамғармаси вакилларидан иборат делегация иштирок этди.

Тадбирда Британия томонидан Буюк Британия ҳукумати вакили лорд Ф.Понсонби, Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Британия кенгаши ҳамраиси Х.Бут, Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлигининг Россия, Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё департаменти директори М.Давенпорт иштирок этди. Анжуманда, шунингдек, Буюк Британия ҳамда халқаро микёсда фаолият юритувчи бир қатор йирик компания ва банклар, экспертлар доиралари вакиллари ҳамда дипломатия ваколатхоналари ходимлари иштирок этди.

Анжуман аввалида шаҳзода Майкл Кентскийнинг учрашув иштирокчиларига йўллаган табрик мактуби ўқиб эшиттирилди. Унда мазкур тадбирнинг ўтказилиши ҳар томонала қўллаб-қувватланиб, у Британия бизнеси кўламини кенгайтириш билан бир қаторда Ўзбекистонга янги сармояларни жалб этиш ҳамда Марказий Осиёда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларни янада такомиллаштириш ишига хизмат қилиши баён этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Лорд Понсонби учрашув иштирокчиларига ўз ҳукумати номидан мурожаат этиб, Буюк Британия Ўзбекистон билан турли соҳаларда амалий ҳамкорликни давом эттиришдан манфаатдор экани, Бирлашган Қироллик мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаши ва анжуман якунлари бўйича эришилажак аҳдлашувларни ҳаётга тадбиқ этишга қизиқиш билдираётганини маълум қилди.

Учрашув доирасида ўтказилган учта сессия доирасида Ўзбекистон делегацияси аъзолари ҳамда «DentonWildeSapte», «Shell», «Worley Parsons», «Oxus Gold», «Macquarie Bank» ва «BAT» компаниялари вакилларининг маърузалари ўқиб эшиттирилди.

Анжуман иштирокчиларига Ўзбекистон иқтисодиётининг бугунги тараққиёти, мамлакатимиздаги экологик вазият, Орол муаммоси, сув заҳираларидан оқилона фойдаланиш, ҳорижий сармоядорларга яратилган шарт-шароитлар, кимё, электр энергияси ва нефть-газ тармоқларида «Соф тараққиёт механизми» лойиҳасини амалга ошириш борасида ҳамкорликнинг янги имкониятлари хусусида атрофлича маълумот тақдим этилди.

Ўзбекистон делегацияси томонидан ишлаб чиқариш объектлари ва коммунал хўжаликларда энергия тежамкорлигини ошириш, муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, Орол муаммосига бағишланган Тошкент конференцияси Ҳаракат дастуридан келиб чиққан ҳолда янги технологияларни жорий қилиш борасидаги имкониятлар ва бу хусусдаги аниқ таклифларнинг тақдимотлари ташкил этилди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон элчиси О.Акбаров Ўзбекистон кўп йиллик тарихга эга бўлган ёш мустақил давлат сифатида шўролар тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш даврини ниҳоясига етказиб, ички сиёсий барқарорликни таъминлашга эришгани ва айни пайтда изчил ташқи сиёсат юритаётганини таъкидлади.

Британиялик бизнесмен ва мутахассислар Ўзбекистонда ривожланган ҳуқуқий база яратилганига эътибор қаратган ҳолда, мамлакатимиз билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар мавжудлигини қайд этди. Конференция мавзусининг долзарблигини таъкидлаган иштирокчилар, шунингдек, анжуманнинг халқаро аҳамиятга моликлиги ва унга нисбатан молия-инвестиция доиралари вакиллари ҳам катта қизиқиш билдирганини қайд этди.

Ташриф доирасида юртимиз делегацияси вакиллари «Shell», «Worley Parsons», «Climate Change Capital», «Natsource» компаниялари ҳамда Британия савдо ва сармоя агентлиги вакиллари билан учрашувлар ўтказди. Британия томони Ўзбекистоннинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда СТМ доирасидаги лойиҳаларни амалга оширишда эришган ютуқлари, мазкур соҳаларда мамлакатимиз нафақат минтақа миқёсида, балки бутун МДҲ ҳудудида пешқадамлик қилаётганига алоҳида урғу берди.

Музокаралар давомида икки томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Учрашувлар якунига кўра «Ўзбекнефтегаз», «Ўзкимёсаноат», «Ўзкоммунхизмат» ҳамда «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» компаниялари билан Буюк Британиянинг «Worley Parsons», «Climate Change Capital», «Carbon Resource Management» компанялари ўртасида 4 та англашув меморандуми ҳамда аҳдлашув протоколи имзоланди.

«Жаҳон» АА
Лондон.

ШАҲАР ЧИРОЙИНИ ОЧДИ

ЮРТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ ЙИЛЛАРИДА «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТЕМИР ЙЎЛ КОМПАНИЯСИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИНГ САЛМОҒИ КАТТА БЎЛМОҚДА. БУ ЮТУҚЛАРДАН ҲАР БИР ТЕМИРЙЎЛЧИ ФАХРЛАНСА АРЗИЙДИ. АЙНИҚСА, ЯНГИ ТЕМИР ЙЎЛ ЛИНИЯЛАРИДА ВА БОШҚА ЖОЙЛАРДА ҚУРИЛАЁТГАН КЎПРИКЛАР ФИКРИМИЗНИНГ ЯҚҚОЛ ИСБОТИДИР.

Яқинда пойтахтимизнинг Миробод туманидаги Сарикўл 3-тор кўчасида темирйўлчилар томонидан жадал суръатларда қайтадан қуриб битказилган темир йўл кўприги ва автомобиль ҳамда трамвай йўлларининг фойдаланишга топширилишига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Анжуманда «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК раҳбарлари, Миробод тумани ҳокимияти вакиллари, кўприк қурилишида қатнашган қурувчилар иштирок этдилар.

Маълумки, 2008 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чеккан эди. Ушбу юбилей санасига тайёргарлик борасидаги режаларга Миробод тумани Сарикўл 3-тор кўчасидаги Марказий вокзал яқинидаги темир йўл кўприги ва автомобиль ҳамда трамвай йўлларини қайта қуриш ҳам киритилган бўлиб, бу вазифани бажариш бўйича бош пудратчи этиб «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК «Кўприккурилиш» трестининг 13-кўприк қуриш отряди белгиланган-ди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, аввалги кўприк бундан бир аср илгари — 1903 йилда қурилган бўлиб, эскирган, транспорт оқимининг ҳозирги талаби, тезюрар поездлар қатнови талабларига жавоб беролмай қолганди. Кўприк остидан ўтган йўллар ҳам ҳаракат хавфсизлиги талабларига мос келмай қолганди.

Кўприкнинг қайтадан қуриш лойиҳа ҳужжатлари компанияга қарашли «Боштранслойиҳа» ОАЖ билан «ТошкентбошрежаЛИТИ» институти ҳамкорлигида тайёрланди. Шундан кейин тез орада — ёзнинг дастлабки кунлариданоқ темирйўлчилар бу ердаги қурилиш ишларига астойдил киришиб кетишди. Икки ярим ой ичида лойиҳачилар, йўлсоз ва кўприксозлар, энергетик ва алоқачилар қўлни қўлга бериб, бор билим ва тажрибаларини ишга солиб, кеча-кундуз тиним билмай ишлашиб, мустаҳкам ва муҳташам иншоот — замонавий темир йўл кўприги ҳамда унинг остидан ўтувчи транспорт йўлини барпо этишди. Кўприк остидан тўрт қатор транспорт воситалари бемалол ҳаракатланадиган бўлди. Шунингдек, трамвай йўллари ҳам такомиллаштирилди. Кўприк атрофи ҳам ободонлаштирилиб, ён-атрофда барпо қилинган бежирим майдончаларга арча кўчатлари экилди.

Тадбирда иштирок этган «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК бошқаруви раиси ўринбосари В.Бохолдин темирйўлчилар томонидан қурилган кўприкнинг топширилиши билан йиғилганларни қизғин табриклади ва уни бунёд этишда қатнашган қурувчиларга компания раҳбарияти номидан ўз миннатдорчилигини билдирди. Янги кўприк ва унинг остидан ўтган йўлларнинг қайтадан замонавий қилиб барпо этилиши шаҳримиз чиройига чирой қўшди. Қурилиш ишлари тўлалигича Ўзбекистон темир йўллари маблағлари ҳисобидан амалга оширилди.

Ушбу қурилиш мажмуаси Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйига Янги йил арафасида Ўзбекистон темирйўлчиларининг муносиб туҳфаси бўлди.

Тантанали йиғилишда кўприк қурилишида қатнашган «Кўприккурилиш» трестининг бир гуруҳ бунёдкорларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Адҳам ДАМИНОВ
Муҳаммад АМИН (ЎзА)
олган суратлар

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ БОШ ЙЎНАЛИШИ

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР.

Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг Тошкент шаҳар вакиллиги тасарруфидаги 143 та бошланғич ташкилотларда ишловчи 31 мингдан зиёд ишчи-ходимлар жамоа шартномалари орқали ҳимояланган. Тизимимиздаги барча корхона ва ташкилотларда касаба уюшмалари ишчи-ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб- қувватлаш мақсадида кўплаб хайрли ишларни амалга оширмоқда. Иш берувчи ва касаба уюшмаси ўртасида имзоланган жамоа шартномаларида меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, саломатлиги,оиласи,фарзандлари ҳақида ғамхўрлик қилиш,муносиб меҳнат шароитларини яратиш тўғрисида мажбурият ва кафолатлар белгилаб қўйилган. Жумладан: «Ўзтрансгаз» АК, «Совпластитал» ҚК, «Ўзэлектртармоқ» Ш.К., «ЎзЛИТИнефтгаз» ОАЖ, «Тошкент Лок-бўёқ заводи» ОАЖ ҚК, «Ўзкимёфарм» ОАЖ корхоналарида бу борада қилинаётган ишлар ибратга моликдир.

2008 йилнинг 9 ойлик ҳолатига кўра ижтимоий ҳимояга муҳтож 675 нафар кам таъминланган, кўп болали ёш оилалар вакилларини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида корхона ва ташкилотлар томонидан 24 миллион 142 минг сўм сарфланди, ёлғиз кекса кишиларнинг эҳтиёжлари, соғлиғи ва моддий аҳволини яхшилаш учун жами 2214 кишига 287 миллион 644 минг сўм маблағ ишлатилди. Шаҳар вакиллиги томонидан ижтимоий суғурта бўйича 293 та йўлланма орқали ишчи-хизматчилар,шу жумладан 6 нафар ёлғиз,кекса кишилар бепул ва имтиёзли дам олдирилди ва санаторийлар, дам олиш уйларида соғломлаштирилди. Корхона ва ташкилотлар томонидан 168 нафар ёш ишчи-ходимлар имтиёзли равишда соғломлаштирилган, кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг,ёлғиз кекса кишиларнинг коммунал хўжалик тўловларини,пенсияга қўшимча тўловларни тўлаш, уй- жойларини таъмирлаш борасида савобли ва хайрли ишлар амалга ошириб келинмоқда.Етим-есирлар,кўмак ва ёрдамга муҳтож бўлган ёшларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида байрамларда 574 нафарига корхоналар ҳисобидан 46 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланган.

Меҳнаткашларнинг маънавиятини ошириш мақсадида уларни маданий дам олдириш, театр ва концертларга, саёҳатларга олиб бориш йўлга қўйилган. Бу ишларни бажариш учун шаҳар вакиллиги томонидан корхона ва ташкилотларда ишловчи ишчи-ходимлар ва уларнинг фарзандларининг мирикиб дам олишлари учун театрларга, М.Улуғбек номли моданият ва истироҳат боғининг аттракционларига 2000 дона чипталар олиб берилди.

Шаҳар вакиллиги ва бошланғич касаба уюшма қўмиталарининг саъй-ҳаракатлари орқали 300 дан зиёд ишчи-ходимлар, шу жумладан ёлғиз, кекса кишилар Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига зиёратга олиб борилди.

Юқоридаги натижалар, корхона ва ташкилотларда ижтимоий ҳимоя мусобақаси билан бажарилган ишлар, қабул қилинган жамоа шартномаларининг ижроси таъминланаётганлиги, иш берувчилар ва касаба уюшмаларининг корхона ва ташкилотларда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошираётганлиги натижасидир.

Ён-атрофимизда ёрдамга эҳтиёж сезиб яшайдиган ёлғиз кексалар, оилалар ва ногиронларга ҳамдард бўлиб, уларга зарур ёрдам ва маънавий мадад бериш масаласини биринчи ўринга қўйиш, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатини тўғри баҳолаш, уларни рағбатлантириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш — буларнинг барчаси иш берувчилар ва касаба уюшмаларининг энг муҳим устувор вазифаси ҳисобланади. Касаба уюшмаларининг меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида олиб бораётган хайрли ва савобли ишлари корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчилар ўртасидаги ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат туйғусини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Машкура ЮСУПОВА,
Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши Тошкент шаҳри бўйича вакиллигининг ижтимоий ҳимоя бўйича етакчи мутахассиси

ТОШКЕНТДАГИ «ПОЙТАХТ» БИЗНЕС-МАРКАЗИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2008 ЙИЛ ОКТЯБРДАН КУЧГА КИРГАН «ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ.

СУҒУРТА АҲОЛИ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Молия вазирлиги қошидаги Суғурта назорати давлат инспекцияси, Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича тўловларни кафолатлаш фонди, Ўзбекистон суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ушмаси вакиллари, шунингдек, фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича фаолият олиб борадиган тўққизта суғурта компанияси – "Ўзбекинвест", "Ўзагросуғурта", "Kafolat", "Ishonch", "Alskom", "Asia Inshurans", "Alfa Invest", "Kapital Sug'urta" ва "Universal Sug'urta" раҳбарлари иштирок этди.

Учрашувда таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда қабул қилинган қонун мажбурий суғурта тизимининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш ушбу тизимнинг бир кўринишидир.

Қонунга мувофиқ, транспорт воситалари эгалари, транспорт воситасидан фойдаланиш пайтида бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мулкига зарар келтирганлиги учун ўзининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиши шарт. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртасининг тўла амал қилишини таъминлаш мақсадида 2008 йил 24 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарори қабул қилинди. Қарорда белгиланганидек, фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича суғурта суммаси 3 минг АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу ҳужжатга асосан, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича тўловларни кафолатлаш учун махсус Фонд ташкил этилди. У транспорт воситалари эгаларининг ижтимоий кафолатлари воситаси бўлиб, суғурта бозори ушбу сегментининг тўлақонли фаолиятини таъминлаш ва тартибга солиш имконини беради. Фонд суғурта ҳолати юзага келганда унинг кафолатланишини таъминлаб, жабрланувчининг ҳаёти, соғлиги ва мулкига етказилган зарарни қоплаш учун компенсация тўловларини амалга оширади. Мазкур қонун яқинда кучга кирган бўлса-да, Фондга фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича компенсация масалалари билан боғлиқ 50 дан ортиқ мурожаат тушди.

Мажбурий суғуртанинг ушбу тури ривожланиши жабрланувчиларнинг мулкий манфаатлари ҳимоясини таъминлашга қаратилгандир. Зеро, мазкур қонун орқали зарар етказган шахснинг молиявий ҳолатидан қатъий назар, етказилган зарарни қонунчиликда белгиланган миқдорда қоплаш ва суғурта тўловини амалга ошириш кафолати юзага келади.

Фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш қатнашчилари, яъни суғурта компаниялари автотранспорт воситалари эгаларига сифатли ва тез хизмат кўрсатиш бўйича кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини амалга ошириб, ўз моддий-техник базаларини мустаҳкамлаш борасида чора-тадбирларни кўрмоқда.

— Компаниямизнинг бош офисида фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш департаменти ташкил қилинди, — дейди "Kafolat" акциядорлик суғурта компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари Равшан Нарзуллаев. — Республикамизнинг барча ҳудудларида суғурта полисларини сотиш бўйича қўшимча шохобчалар очдик, барча бўлинмалар замонавий компьютер жиҳозлари билан таъминланди. Бу эса, фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш полисларини рўйхатга олиш ва уларни топшириш бўйича махсус дастурни изчил амалда жорий этиш имконини берди. Аҳоли ўртасида, корхона ва ташкилотларда бу борада кенг миқёсдаги тушунтириш ишлари олиб борилмоқда, "Kafolat" компанияси ходимлари учун мунтазам ўқув курслари ва семинарлар ташкил қилинмоқда. Хизмат кўрсатишнинг бундай йўлга қўйилгани ва тармоқлашгани суғурта бозорининг истиқболли сегментида рақобатбардош бўлишга кўмаклашади.

"Kapital Sug'urta" очиқ акциядорлик жамияти ҳам бу тадбирга алоҳида тайёргарлик кўрди. Компания бош директори Лазиз Ҳалимтоевнинг айтишича, компанияда тармоқлашган агентлик хизматини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашга ихтисослашган 165 та суғурта агенти тайёрланди. Суғурта даъволарини мувофиқлаштириш ҳам эътибордан четда қолмайди. Ҳар бир бўлинма мустақил равишда, мазкур қонун доирасида суғурта бадалларини кўриб чиқиш ва тўлаш ҳуқуқига ҳамда бунинг учун зарур восита ва имкониятларга эгадир.

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича хизмат кўрсатадиган тўққизта компаниянинг 4460 дан зиёдроқ суғурта агенти иш юритмоқда, уларнинг филиал, бўлинма ва шохобчалари сони эса 1150 дан ошади.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири

Иқтисодиёт

ТАЛАБ ВА ЭҲТИЁЖ АСОСИДА

ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАР ҲАМДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МУНОСИБ ҲИССАЛАРИ БОР. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИ ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ҲАР БИР КОРХОНА МУВАФФАҚИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ, ЎЗ ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАШ ЙЎЛИДА ОЛҒА ИНТИЛАР ЭКАН, ДАСТАВВАЛ ТАЙЁРЛАЁТГАН МАҲСУЛОТИ СИФАТИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТАДИ.

Пойтахтимизда 2007 йилдан фаолият юритаётган «Нур-Равшан» масъулияти чекланган жамияти шундай корхоналар сирасига киради. Ўтган қисқа давр мобайнида жамоа аҳли ички бозоримизга эркак, аёл ҳамда болаларга мўлжалланган сифатли, бежирим, қулай, асосийси нисбатан арзон пойабзалларни етказиб бермоқда.

Мазкур корхона тадбиркорлари муваффақиятли фаолиятни таъминлаш мақсадида цехларини замонавий хорижий технологик линия, самарали дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозлашган. Маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритаётган 100 нафарга яқин малакали ишчи-хизматчилар техника мададида замонавий моделдаги теридан тайёрланган пойабзалларни (полиуретан тагликлар ҳозирча Хитойдан келтирилади) буюртмачиларига ўз муддатларида етказиб беришади.

Маҳсулотлар бутун республика бўйлаб тарқатилади: Каттақўрғон ёғ-мой комбинати, «Чирчиқкимёсаноат» акциядорлик жамияти ишчилари учун махсус пойабзаллар буюртма асосида тайёрланади. Уларнинг сифатига асосий эътибор қаратган ҳолда янги турларини ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишмоқда, дизайнчилар ўз навбатида ҳар бир пойабзалнинг чиройли, кўркам, мустаҳкам бўлишини таъминлашни мақсад қилишган.

Эътиборли томони, жамият тадбиркорлари айни кунларда эҳтиёжталаб маҳсулот — ортопедик пойабзал ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш тадоригини кўришмоқда. Катталар ва болаларга мўлжалланган ортопедик товарларга янги йилдан буюртмалар олиниши режалаштирилган.

МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ ОРТАДИ

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ АСОСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН КОРХОНАЛАРНИНГ ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАБ, ИЧКИ БОЗОРИМИЗДА ЎЗ ЎРНИГА ЭГА БЎЛАЁТГАНИ, ҚУВОНАРЛИ ҲОЛ, АЛБАТТА.

Пойтахтимизда фаолият юритаётган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «OzSetGlobal» қўшма корхонаси ҳам шундай корхоналар сирасига киради. Бу ерда шахсий гигиена маҳсулотлари — сифатли, чиройли дизайндаги экологик тоза мочалкалар ишлаб чиқарилади. Цехларда ўрнатилган юксак унумли дастгоҳ ва ускуналар ишчиларга ҳақиқий мададкор бўлмоқда.

Ички бозорни чуқур ўрганиш, харидор дид ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда Фарғона водийсида етиштирилган хом ашёдан «ECOLUFFA» савдо белгиси остида тайёрланаётган маҳсулотлар жажжи болажонларимиздан тортиб, барча ёшдаги кишиларга манзур бўлмоқда. Боиси улар ҳар хил кўриниш ва ҳажмда, қулай ва соғлиққа фойдали эканлиги билан эътиборга молик. Масалан, сауналар учун гиламчалар (улар ҳам турли шаклда — тўртбурчак, олма кўринишида), лента, массаж учун мўлжалланган ҳар хил тапочкалар классик услубдагилари, айниқса қўлқопчалар ҳар қандай нозиктаъб мижознинг ҳам эътиборини ўзига тортади.

Жумладан, болажонларга турли: балиқча, хўл мевалар шаклида тайёрланаётган ҳамда ип-газлама ишлатган ҳолда замонавий дизайн қўлланган товарлар ҳозирда нафақат пойтахтимиз, балки бутун республикамизда харидоргир ҳисобланади. Деярли барча фитнес клублари, сауна, ҳаммомлар, меҳмонхона, сайёҳлик агентликлари ушбу корхона буюртмачилари ҳисобланади.

Келгусида ҳам корхона тадбиркорлари янгидан-янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни эзгу мақсад қилган ҳолда меҳнат қилишмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Транспорт

КОРХОНА ФАОЛИЯТИ НАМОЙИШИ

«ЎЗТЕМИРЙЎЛКОНТЕЙНЕР» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЮК ТАШИШ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА.

Ўз фаолиятини намойиш этиш учун корхона 5-ўзбек халқаро транспорт ва логистика кўргазмасида ўз экспонатлари билан қатнашди.

Жамият томонидан тайёрланган стендлар, буклетлар, ташриф қоғозлари корхона ҳақида тўлароқ маълумот беради.

Шунингдек, бу нашрларда 2007 йилга нисбатан жорий йилда юк ташиш ҳажми ошиб махсулотлар экспорти 2,5 фоизга, импорт эса 1,5 фоизга кўтарилганлиги баён қилинди.

НАМУНАЛИ ТЕМИРЙЎЛ ДАРВОЗАСИ

КЕЛЕС ТЕМИР ЙЎЛ БЕКАТИ ЙЎЛОВЧИЛАР БИЛАН ДОИМО ГАВЖУМ БЎЛАДИ. ТОШКЕНТ—МОСКВА — ТОШКЕНТ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАТНАЙДИГАН ПОЕЗДЛАРГА ҲАМ НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛМОҚДА.

Шунингдек, бекатда ҳар куни камида 5-6 вагон юк ортилмоқда. Уларнинг ўз манзилига тез ва соз етказиб бериш назорати ҳам яхши ташкил этилган. Бу ерда автоматлаштириш тизими ҳам жорий қилинди. Бу эса поездлар қатновининг бир маромда бўлишини таъминламоқда. Шаҳримиз остонасидаги «Келес» бекати том маънода мамлакатимизнинг темир йўл дарвозаларидан бирига айланиб қолди.

ЙЎЛОВЧИЛАРБОП АВТОБУСЛАР

ПОЙТАХТИМИЗ ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ТЕХНИКАВИЙ ТАДБИРЛАР ЎЗ ИЖОБИЙ НАТИЖАСИНИ БЕРМОҚДА.

Тошкент шаҳрини қўшимча равишда автобуслар билан таъминлаш режасига биноан мавжуд транспорт воситалари сони 144 тага ортди. Яна 60 га яқин автобус олиб келиш кўзда тутилди.

Айни вақтда шаҳар йўналишларида ишга нолойиқ ҳолатга келиб қолган 402 та «Лаз», «Паз» русумидаги автобуслар ҳаракат тасарруфидан чиқарилди.

Кўп ўринли ва мўъжаз автобуслардан фойдаланишга асосий эътибор қаратилмоқда.

Акбар АЛИЕВ

ТАБИАТ ВА ИНСОН

№121(95) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

ЯШИЛ ЎСИМЛИКЛАР АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ ЗАРАРЛИ ГАЗЛАРДАН ТОЗАЛАБ, ШОВҚИН ДАРАЖАСИНИ КАМАЙТИРИБ ҲАВОНИНГ НИСБИЙ НАМЛИГИНИ ЮМШАТАДИ. 1 ГЕКТАР МАЙДОНДАГИ КЕНГ КЎЛАМДАГИ ДАРАХТЗОР ЙИЛИГА 54 ТОННА ЧАНГНИ ЮТАДИ, 5 ТОННА УГЛЕРОД 2 ОКСИДИНИ УШЛАБ ҚОЛАДИ, ҲАВОНИНГ ЗАРАРЛИ МИКРОФЛОРА БИЛАН ТЎЙИНИШИНИ 40-45 ФОИЗГА КАМАЙТИРАДИ. МАВЗЕЛАРДАГИ ЙИРИК ДАРАХТЗОРЛАР СОЯСИДА ИССИҚ КУНДА ҲАВОНИНГ ҲАРОРАТИ ОЧИҚ КЕНГЛИКДАГИ ҲАВО ҲАРОРАТИДАН 16 ГРАДУСГА ФАРҚ ҚИЛАДИ. ШОВҚИН ДАРАЖАСИ КАМАЯДИ.

ШАҲРИМИЗ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Инсон ўз ҳаёти давомида дарахт, бута, гул ва умуман ўсимликка эҳтиёж сезади. Унинг турмуш тарзи мўътадил давом этиши учун маълум даражада кўкаламзорлаштирилган ҳудуд керак бўлади. Бу кўкаламзорлаштириш меъёри дейилади. Аҳоли жон бошига кўкаламзорлаштириш меъёри 50 кв/м бўлгани ҳолда шаҳримизда бу кўрсаткич 69 кв/м ташкил қилади. Тошкент шаҳрининг кўкаламзорлаштириш даражаси бугунги кунда Санкт-Петербург (16), Пекин, Москва (40), Остона (24), Сиэтл каби шаҳарлардан 2-3 марта ортиқ. 1990 йилга нисбатан бу кўрсаткич 21,5 кв/м га ошди.

Тошкент шаҳри ўсимликлари жами 15200 гектар майдонни (ёки 30 фоиз) эгаллаб, 190 турдан кўпроқ дарахт ва 30 хилдан кўп буталар ўсади. Асосий навлари бу игнабаргли ва каштан, шарқ чинори, шумтол, япон софораси, қарағай, эман, заранг, қайрағоч ва бошқалар.

Мустақиллик йилларида Тошкент шаҳрининг марказий қисмидаги 30 дона ёши 100 дан ошган дарахтларга Давлат табиат ёдгорлиги мақоми берилди. Давлат муҳофазасига 28 дан ортиқ ўсимликлар олинди.

Юртбошимизнинг ташаббуслари билан охирги 10 йил ичида пойтахтимизда 3027 гектар майдонда истироҳат боғлари барпо этилди, 1223 гектар асфальт қоплами олиб ташланиб, гулзор-боғ ва кўкаламзорлаштирилган жойлар барпо этилиб, шаҳримиз аҳолисининг севимли дам олиш масканига айланди. Ҳар йили Тошкент шаҳрида 100 минг тупдан ортиқ дарахт кўчатлари ва 2,5 миллион туп буталар экилади.

Тошкентдаги фавворалардан ташқари умумий майдони 91 гектар ва сув сиғими 1,4 миллион куб/м сунъий кўллар мавжуд.

Тошкентдаги А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғини қайта таъмирлашда «экоархитектура» тушунчаси кенг қўлланилди. Бетон ва асфальтдан воз кечиб, табиий, экологик тоза ва юқори замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилган экологик жиҳатдан зарарсиз бўлган қурилиш воситалари ва маҳаллий хом ашёсидан фойдаланилмоқда. Тўрт босқичли тозалаш иншооти қўлланилди. Кўлнинг асл кўриниши ва табиий шакли, ундаги дарахтлар максимал сақлаб қолинди.

Тошкент шаҳри ҳудудида 270 турдан зиёд ҳайвонлар ва қушлар яшайди. Шундан 15 хили балиқлар, 12 хили судралиб юрувчилар, 217 хили қушлардир. Қушларнинг 11 хили ўтроқ, 39 хили ин курувчи, 89 хили қишловчи, 78 хили учиб ўтувчи ҳисобланади.

Экологик аҳволнинг яхшиланиши хусусида кўрсаткич мисолида шуни айтиш мумкинки, кейинги йилларда шаҳар ҳудудида лайлак ва турналар ин қура бошлади. Ҳозирда Тошкент шаҳри ва унинг атрофида 200 дан зиёд лайлак ва турналарнинг инлари мавжуд бўлиб, бу албатта тинчлик ва фаровонлик рамзи эканлигига шубҳа йўқ.

Каштан дарахтлари ва айниқса игнабаргли дарахтлар экилган ҳудудларнинг кўпайиши, тоза ҳаво сингари омиллар олмахон каби жониворларнинг шаҳримизнинг истироҳат боғларида кўпайишига қулай шароит яратди.

Пойтахтимиз ҳудудида қорашақшақ, жиғалтой, тошқирғай, қамиш машаги, кўктарғоқ, заҳилдоқ каби қушларни учратиш мумкин. Бу қушлар ўзига хос экологик мувозанатнинг яхшилигини белгиловчи индикатор ҳисобланиб:

— жиғолтой (чиғалоқ) ва тошқирғий (тювик)нинг истироҳат боғларида учраши уларнинг осойишталиги ва тинчлигини,

— қамиш машаги (камышица)нинг сув ҳавзаларида учраши соҳилда ўсаётган ўсимликларнинг ҳолатини,

— кўктарғоқ (зимородок)нинг сув ҳавзаларида учраши унинг тозалигини билдирувчи омил,

— қорашақшақ (черный дрозд) ва заҳилдоқ (иволга) эса дарахт ва буталар ҳолатининг қониқарли эканлигини билдиради.

Шаҳло АБДУЖАЛИЛОВА,
давлат нозири

СУВЛАР ТОЗАЛИГИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

ТОШКЕНТ ШАҲРИМИЗНИНГ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИНИ, МЎЪТАДИЛ ИҚЛИМИНИ ВА АҲОЛИНИНГ САЛОМАТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН СУВ РЕСУРСЛАРИ КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА МАНБА ҲИСОБЛАНАДИ.

Сув табиий бойликлар ичида энг муҳим, барча тирик мавжудотлар учун ҳаёт манбаидир. Сувнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Инсон ҳаётини сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қадимдан мамлакатимизда сувни эъзозлашган, авайлашган, ифлосланишига йўл қўйилмаган, сувга қарата супурилмаган ва чиқиндилар ташлаш гуноҳ ҳисобланган.

Тарихга назар соладиган бўлсак, Тошкент шаҳрида илк бор ичимлик сув олиш тармоғи 1909 йилда қурилган, асосий иншооти артезиан қудуғи, Салор канали қирғоғига жойлашган ва «Салор сув чиқариш иншооти» деб номланган, босимли сув минорасидан иборат бўлган. Сув олиш тармоғи қувурларининг қуввати соатига 1500 литр сув етказиб бериш имкониятига эга бўлган. Тошкентнинг янги шаҳар қисмида ҳар бир киши учун бир кунда 0,45 литр сув сарфланган. Ичимлик суви таъминотига кейинги қадам 22 йилдан кейин, яъни 1931 йилда қўйилган. Унда Бўзсув каналида янги сув олиш тармоғи ишга туширилди. Ҳозирги кунда шаҳримиз аҳолисини ичимлик суви билан Бўзсув, Қодрия бош сув олиш иншоотлари — ер усти сув ҳавзаларидан, яъни Бўзсув каналидан, Қибрай, Қорасув, Жанубий, Сергели сув олиш иншоотлари — ер ости сув ҳавзаларидан, яъни қудуқлар орқали таъминлаб келинмоқда ва аҳолини умумий ичимлик суви билан таъминлаш 99 фоизни ташкил этади. Шаҳар аҳолиси томонидан умумий сарфланадиган сув ҳажми бир кунда 1375000 куб метрни ташкил этади.

Тошкент шаҳри ҳудудидан Бўзсув ирригация сув тизимлари бошқармасига қарашли Салор, Бўзсув, Қорасув, Толариқ, Найман, Дамаши, Калковуз, Бўрижар, Анҳор, Қорақамиш каналлари ва шаҳар сув хўжалиги бошқармасига қарашли 37 та ариқ ва кичик каналлар оқиб ўтади.

Бу канал ва ариқлардан шаҳримизнинг мўътадил иқлимини сақлашда, дарахтларни, хиёбонлардаги ўсимликларни, гулларни суғоришда фойдаланилади. Шунингдек, шаҳримиздаги дам олиш масканларида барпо этилган жами 7 та Ўзбекистон Миллий боғи, Тошкент Лэнд, Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, Роҳат, Бахт, Янги Сергели, Арт шоу истироҳат боғи сунъий сув ҳавзалари ва кўллари пойтахтликларнинг мароқли дам олишларини таъминламоқда. Тошкентда ичимлик суви тармоғи қурилгунча бу канал ва ариқлар шаҳар аҳолисини сув билан таъминлаган ягона сув манбаи бўлган. Бу канал, ариқлар йилнинг фақат иссиқ мавсумида аҳолини сув билан таъминлаган, қиш кунларида эса ариқлар музлаб қолган, шунинг учун сув танқислигининг олдини олиш мақсадида одамлар маҳаллаларда сунъий сув ҳавзалари, яъни ҳовузлар қазишган. Аҳоли ҳовузларни тоза тутган, ўпирилиб кетмаслиги учун дарахтлар ўтқазилган, қирғоқларига тошлар бостирилган. Кузда ҳовузлар тозаланиб қиш учун сувлар йиғилган. Ичимлик суви тармоғи ишга туширилгунча Тошкентда 500 га яқин ҳовузлар бўлган, ҳаттоки айрим маҳаллаларнинг номи ҳовузлар номи билан аталган. Масалан: Каттаҳовуз, Кўмилган ҳовуз, Ҳовузбоғ ва бошқалар.

Оқава сувларнинг қабул қилиш тармоғи билан таъминланиши умумий 95 фоизни ташкил этади. 1990 йилларгача очиқ сув ҳавзаларига чиқинди оқава сувларини 70 га яқин корхона, муассаса, ташкилотлар ташлаган бўлса, ҳозирги кунга келиб бу кўрсаткич 25 тага қисқартирилган. Булар асосан шартли тоза сув, иссиқлик ишлаб чиқариш, сизот сувларини, ишлаб чиқаришда ҳосил бўлган чиқинди сувларини корхоналарнинг ўзининг тозалаш иншоотларида аввалдан тозалаш, шунингдек, шаҳримизнинг канализация тармоғига тушаётган оқава сувларни қабул қилиш иншоотларидир. Шаҳримизда оқава сувларни тозалаш иншоотлари 3 та бўлиб, булар Салор, Бўзсув ва Бектемир станцияларидир. Бу тозалаш иншоотларида оқава сувлар мураккаб биологик тозалаш жараёнидан ўтиб, Салор, Қорақамиш каналларига ва Чирчиқ дарёсига ташланади. Оқава сув ташлаш ҳажми бир кунда 1263300 куб метрни ташкил этади.

Корхона ва ташкилотларда оқава сувларни ташлаш бўйича меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг махсуслаштирилган аналитик назорат бўлими ходимлари томонидан ер усти сув ҳавзаларига оқава чиқинди сув ташлайдиган корхоналардан мониторинг режасига асосан ҳар чоракда каналлардаги тахлил олиш нуқталаридан сув намуналари олинади ва сувнинг сифат таркиби таҳлил этилади. Сув ҳавзаларининг ифлосланиши турли касалликларга, яъни инфекцион, онкологик, ўткир ошқозон ичак, аллергияга олиб келади.

Кўмитамизда амалга оширилган ишлар натижасида Чирчиқ дарёси, Салор, Бўзсув, Қорасув каналлари, Қорақамиш коллекторидаги сувларнинг сифат таркиби 1990 йилларга нисбатан 2 — 2,5 баробарига яхшиланди.

З.АҲМЕДОВ,
нозирлар бўлими бошлиғи ўринбосари

ЭКОЛОГИК КУНДАЛИК

● "ORIGINAL TECHNOLOGIES" қўшма корхона бош директори И.Нигматов таркибида симоб моддаси бўлган ишлатилган лампаларни жойлаштириш ва утиллаштиришда табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлиги учун Ўзбекистон Республикаси МЖК нинг 91/1-моддасига асосан 30000 сўм миқдорда жаримага тортилди.

● А.Ж. "САНИИРИ" бош энергетиги Н.Сапаров таркибида симоб моддаси бўлган ишлатилган лампаларни утиллаштиришда табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлиги учун Ўзбекистон Республикаси МЖК нинг 91/1-моддасига асосан 60000 сўм миқдорда жаримага тортилди.

● АЖ "САНИИРИ" механиги О.Ахмеджанов автотранспорт воситаларидан чиқаётган ифлослантирувчи моддалар миқдорини назорат қилмаганлиги ва автомашиналарни юқори миқдордаги зарарли моддалар билан фойдаланишга чиқарганлиги учун Ўзбекистон Республикаси МЖК нинг 87/1-моддасига асосан 60000 сўм миқдорда жаримага тортилди.

● "Навруз Файз коммуналчи" уй-жой мулкдорлари ширкати директори Ш.Жўраев маиший чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетишни ташкил қилмаганлиги, табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлиги учун Ўзбекистон Республикаси МЖК нинг 91/1-моддасига асосан 30000 сўм миқдорда жарима тўлайдиган бўлди.

● "Шаҳзод коммуналчи" уй-жой мулкдорлари ширкати директори И.Ураков маиший чиқиндиларни жойлаштириш ва олиб кетишни ташкил қилмаганлиги, табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлиги учун Ўзбекистон Республикаси МЖК нинг 91/1-моддасига асосан 30000 сўм миқдорда жаримага тортилди.

● Сергели тумани ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи А.Насиров ирригация сув тармоқларини ва ҳудудини тозалашни ташкил қилмаганлиги, табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлиги учун Ўзбекистон Республикаси МЖК нинг 91/1-моддасига асосан 30000 сўм миқдорда жарима тўлашига тўғри келади.

● МЧЖ "EIEKOR" бошлиғи А.Хонкелдиев лойиҳанинг экологик экспертизасини ижобий хулосасисиз рўёбга чиқарганлиги учун Ўзбекистон Республикаси МЖК нинг 96/1-моддасига асосан 56080 сўм миқдорда жаримага тортилди.

● "ССМП-406" бош механиги А.Тошматов ифлослантирувчи моддаларни йўл қўйиладиган нормалардан ортиқ даражада чиқариб ташлашни назорат қилмаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси МЖК нинг 86/1-моддасига асосан 28100 сўм миқдорда жаримага тортилди.

● "Соҳил коммуналчи сервис" уй-жой мулкдорлари ширкати директори Ю.Шодиев атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмасдан битум эритишда махсус техник қурилмасиз очиқ аланга олдириб уни ёққанлиги учун Ўзбекистон Республикаси МЖК нинг 88/1-моддасига асосан 84120 сўм миқдорда жаримага тортилди.

СОҒЛОМ ҲАЁТ КЕЧИРИШ ОМИЛЛАРИ

ШАҲАР МУҲИТИ ШАРОИТИДА ЯШОВЧИ АҲОЛИ СОНИ ЙИЛДАН ЙИЛГА КЎПАЙИБ БОРМОҚДА. УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИ НАТИЖАСИДА АТРОФ – МУҲИТНИНГ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИ ТУБДАН ЎЗГАРИБ, ТАБИИЙ ЭКОТИЗИМЛАР ЙЎҚОЛИБ КЕТМОҚДА. БУ ҲОЛАТЛАР АЛБАТТА ЯНГИДАН ЯНГИ МУАММОЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИ.

Сувларнинг саноат ва маиший чиқиндилар билан ифлосланиши ҳам сув етишмаслигининг асосий сабабларидан биридир. Сувнинг ифлосланиши деганда унинг таркибида сифатини камайтирувчи бегона бирикмаларнинг мавжудлиги тушунилади. Қайта фойдаланиш учун, ифлосланган ҳар бир саноат ва маиший оқаваларга 10 мқ ҳажмдаги тоза сувни аралаштириш лозим бўлади.

Сувларни ифлословчи асосий манбаларга саноат корхоналари ва маиший хўжаликдан чиқадиган оқава сувлар, қазилма бойликларни ишлаб чиқаришдаги оқавалар; нефтни қайта ишлаш корхоналарида ишлатилган чиқинди сувлар; транспортнинг ташланма сувлари; шаҳарлардан ҳамда кимёвий воситалар ишлатилган далалардан оқиб чиққан сувлар; касалхоналар ва чорвачилик комплексларидан оқиб чиқадиган тозаланмаган сувлар ва бошқалар киради. Нефть ва нефть маҳсулотлари, сунъий ювиш воситалари, феноллар, пестицидлар, рангли металлар, мураккаб кимёвий воситалар сувни ифлословчи асосий бирикмалар ҳисобланади. Оқава сувларга тушадиган минерал, органик, бактериал ва биологик ифлословчи бирикмалар ажратилади. Минерал ифлословчилар одатда қум, лой, турли минерал тузлар, кислота ва ишқорлар эритмасидан иборат. Органик ифлословчилар ўсимлик ва ҳайвонларнинг қолдиқлари, инсон ва ҳайвонларнинг физиологик чиқиндиларидан иборат. Бактериал ва биологик ифлословчилар асосан маиший оқава сувларда мавжуддир.

Сувларнинг етишмовчилиги шароитида улардан оқилона фойдаланиш ва оқава сувларни тозалаб, қайта ишлатишни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ривожланган мамлакатларда шаҳарлар ва аҳоли пунктларида сув сарфи жон бошига бир кеча-кундузда 150 литрни, Россияда 250 литрни ташкил қилади. Сувларнинг мавжуд ўз-ўзини тозалаш хусусияти ифлословчи бирикмаларни бутунлай бартараф эта олмайди.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ичимлик суви махсус давлат стандартлари талабига жавоб бериши керак ва доимий соғлиқни сақлаш муассасаларининг диққат марказида бўлади. Давлат стандарти сув манбалари ва бош сув олиш иншоотларининг санитария муҳофаза минтақаларини уюштиришни талаб қилади.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси табиий бойликларимиздан оқилона фойдаланиш учун аҳоли ўртасида кўпгина тадбирларни ташкил этиб сувимизни исроф этмасдан фойдаланишларига эътибор беришларини мунтазам равишда таъкидлаб ўтади. Ўлкамиздаги оқава сувларга хонадонларимиздан чиқаётган чиқиндиларни ташламасликни, доимий равишда сув атрофида ободончилик ишларини олиб бориб туришларига даъват қилади. Демак инсон учун бебаҳо ҳисобланган сув, ҳаво, ўсимликлар дунёсига зарар етказмаслик мустақил ўлкамизда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини эслатишимиз шарт.

Тошкент шаҳри ҳудудидан оқиб ўтувчи каналлардан Бўзсув, Анҳор, Салор, Қорасув, Дамачи, Кайковус, Найман кабилар пойтахтимиз микроиқлимини сақлашда катта аҳамиятга эгадир. Бу каналлар шаҳримизнинг деярли барча туманларидан оқиб ўтади. Уларнинг сув олиш манбалари эса асосан Чирчиқ дарёси ҳисобланади. Ушбу каналлар бўйларида жойлашган корхоналар, аҳоли яшайдиган маҳаллалар очиқ сув манбаларига турлича таъсир ўтказадилар. Улар орасида тоза сув ҳавзаларига чиқинди оқава сув ташлайдиган корхоналар, маҳаллаларда эса оқава сувларни тўғридан тўғри тоза сув. манбаларига чиқарадиган хонадонлар ҳам йўқ эмас.

Шаҳримиз ҳудудидан оқиб ўтувчи бир қанча каналларни Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига қарашли лаборатория ходимлари билан биргаликда жойига чиқиб ўргандик, текширдик. Ушбу текширилган каналлар икки қирғоқларида корхоналар, маҳаллалар, хусусий хонадонлар жойлашган. Ушбу хонадонларнинг ошхоналари, ҳаммомлари, ҳожатхоналари, молхоналаридан чиқадиган кўплаб чиқиндилар тўғридан тўғри шу каналга ташланади.

Ҳозирги куннинг долзарб муҳим муаммоларидан бири, бу очиқ сув ҳавзаларида сув муҳофаза зонасини белгилаш, каналлар ва қирғоқларда жойлашган корхона ва хонадонлардан чиқадиган чиқинди оқава сув манбаларини йўқотиш, очиқ сув ҳавзаларимизда оқаётган зилол сувларнинг софлигини сақлашдан иборатдир.

Инсонларнинг соғлом ҳаёт кечириши кўп жиҳатдан тоза ҳавога боғлиқ эканлигини, ифлосланган ҳаво эса албатта салбий оқибатлар келтириб чиқаришини барчамиз яхши биламиз.

Мамлакатимизда атмосфера ҳавосига автотранспорт воситаларидан чиқаётган зарарли моддаларни камайтириш, ҳаракатдаги автотранспорт воситаларининг соз-носозлигини ўрганиш, атмосфера ҳавосини ўрганиш мақсадида бир йилда 2 маротаба баҳор ва кузда табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси йўл ҳаракати хафсизлиги назорати бошқармаси билан ҳамкорликда «Тоза ҳаво» операциясини ўтказди. Бунда баҳорги тадбир 10 апрелдан 10 майгача, кузгиси эса 10 сентябрдан 10 октябргача бўлиб ўтади. Бу тадбирда носоз автотранспорт воситалари тўхатилади. Қонунбузарликка йўл қўйган ҳайдовчиларга нисбатан маъмурий жазо қўлланилади.

"Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун асосида бу борада давлат бошқаруви, стандартлар ҳақидаги маълумотлар, атмосфера ҳавосидан фойдаланишни чеклаш каби вазифалар амалга оширилади. Инсон тирик жон экан албатта табиатга таъсир кўрсатмай иложи йўқ.

Собир Раҳимов туманида жойлашган **"Dienvi di ltd"** ҚК ҳаво тортиш мосламаларидан фойдаланилмасдан атмосферага зарарли моддаларни чиқаришга йўл қўйганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик Кодексининг 86 моддаси 1 - бандига асосан жаримага тортилди.

Собир Раҳимов туманидаги **АМ "Ташкент мебель"** чиқиндиларида ифлослантирувчи моддалар меъёридан ортиқ бўлган автотранспортни фойдаланишга чиқарганлиги ва тутун ўлчаш назоратини олиб бормаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик Кодексининг 87 моддаси 1 – бандига ва ҳаво тортиш мосламаларидан фойдаланилмасдан атмосферага зарарли моддаларни чиқаришга йўл қўйганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик Кодексининг 86 моддаси 1 - бандига асосан жарималарга тортилди.

Атроф – муҳитни муҳофаза қилиш ишига ҳар бир фуқаро чин дилдан ёндошса юқоридаги каби камчиликларнинг олдини олар эдик.

Равил ХУСНУЛИН,
давлат нозири

Сўранг, жавоб берамиз

— Васийлик ва ҳомийлик қандай ҳолларда амалга оширилади? Унинг давлат томонидан кафолати ҳам борми?

З.Ҳафизов,
Юнусобод тумани

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида белгиланишича, вояга етмаганлар, муомалага лаёқатсизлар ёки муомала лаёқати чекланган вояга етган шахслар устидан васийлик ёки ҳомийлик суд қайси мамлакатга тегишли бўлса, ўша мамлакат ҳуқуқи бўйича белгиланади ва бекор қилинади.

Васийнинг (ҳомийнинг) васийликни (ҳомийликни) қабул қилиш мажбурияти унинг васий (ҳомий) томонидан белгиланадиган шахсий қонуни бўйича аниқланади.

Васий (ҳомий) ва васийликка (ҳомийликка) олинган шахс ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар муассасаси васийни (ҳомийни) тайинланган мамлакат ҳуқуқи бўйича аниқланади. Бироқ, васийликка (ҳомийликка) олинган шахс Ўзбекистон Республикасида яшаётган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи, башарти мазкур шахс учун қулайроқ бўлса қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари устидан белгиланган васийлик (ҳомийлик), агар Ўзбекистон Республикаси тегишли консуллик муассасасининг васийлик (ҳомийлик) белгиланишига ёки унинг тан олинишига қарши қонунга асосланган эътирозлари бўлмаса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб тан олинади.

* * *

— Алимент кимлар томонидан ва нима учун тўланади? Унинг тўланиш тартиб-қоидалари ҳақида маълумот берсангиз.

Н.Солиева,
Чилонзор тумани, 11-мавзе

— Ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт. Чунки ота-оналар болалари то вояга етгунга қадар уни боқиб катта қилишлари, агарда ажрашган бўлсалар алимент тўлашлари шарт. Вояга етмаган болаларга таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота(она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади.

Вояга етмаган болаларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда ва ота-онадан бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга даъво ёхуд ариза билан мурожаат қилмаган ҳолларда, васийлик ва ҳомийлик органлари вояга етмаган боланинг таъминоти учун ота ёки онадан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақлидир.

Вояга етмаган болаларга алимент тўлаш ва уларга таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенгдир.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларга таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенгдир.

* * *

— Бозордан гўшт харид қилаётганимда гўштнинг сифатига эътибор қиламан. Бу ҳақда сотувчининг ўзидан сўраганимда айримлари «Ёқса олинг, ёкмаса бошқа жойга боринг», дейишади. Мен истеъмолчи сифатида шундай савол беришга ҳақлиманми?

Динара Исаева,
Ҳамза тумани

— Истеъмолчи сифатида буни талаб қилишга албатта ҳақлисиз. Чунки «Савдо шохобчалари ва бозорларда гўшт маҳсулотларини сотишга қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги йўриқнома талабига мувофиқ, сотувчи харидорнинг эътиборига гўшт маҳсулоти тўғрисидаги зарур ва ишончли маълумотни бериши керак. Хусусан: гўшт маҳсулотининг турига, гўшт учун ҳайвон қачон сўйилганлигига, гўштнинг одамлар учун истеъмолга яроқли эканлиги тўғрисидаги ветеринария гувоҳномаси каби маълумотларни етказиши шарт.

Сотувчининг маҳсулот етказиб берувчининг фирмаси номи ва жойлашган жойи, юридик манзили ҳақидаги ахборотни ҳам харидор талабига кўра бериши шарт, деб белгиланган.

* * *

— «Онам рус миллатига мансуб. Отам эса ўзбек. Паспорт олаётганимда миллати тўғрисидаги қайдномага «рус», деб ёзиб қўйилган. Буни «ўзбек», деб ўзгартириш мумкинми?

С.Якубов,
С.Раҳимов тумани

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йилдаги 2240-сонли Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида Паспорт тизими тўғрисида»ги Низомнинг 7-банди, 2-қисмига асосан паспортга фуқаронинг миллати тўғрисидаги ёзув, унинг ота-онаси миллати ёзилади.

Кейинчалик фуқаро миллат тўғрисидаги ёзувни ўзгартиришларини сўраб мурожаат этиши мумкин. Ёзув фуқаронинг ёзма аризасига мувофиқ, отаси ёки онасининг миллатига алмаштирилиши мумкин. Аммо, шунга диққат қилиш керакки, у фақат бир марта ўзгартирилади.

* * *

— Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жазо қўллаш муддати қанча?

Ш.Қодиров,
Юнусобод тумани

— Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексининг 36-моддасига кўра, маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарлик учун эса ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб 2 ойдан кечиктирилмай қўлланилиши мумкин.

Жиноят иши қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарларнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатиши рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Ушбу моддада назарда тутилган муддатлар ашёларни божхона муносабатларини тартибга солади-ган қонун ҳужжатлари асосида мусодара қилиш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Абдуқодир АБДУМАЛИКОВ,
Шавкат ЮНУСОВ,
Гулнора ТИЛЛАЕВА,
хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар

Ўз-ўз ўйганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Заҳириддин Муҳаммад БОБУР

ҲИКМАТЛАР

Ҳар кимки кўп айтур, паришон айтур.

* * *

Ёмонлик қилганингдан кейин офатлардан эмин бўлма, чунки табиатнинг берадиган жазоси аниқ.

* * *

Мулкгирликда ва мамлакатдорликта агарчи баъзи ишлар зоҳирда маъқул ва муважжаҳ кўрунур, вале ҳар ишнинг заминида юз минг мулоҳаза вожиб ва лозимдур.

* * *

Ишлар вақтида бажарилиши керак, вақтида бажарилмаган иш суст бўлади, суст.

* * *

Бўрунғилар дебтурларким, қўрғон беркитмакликка бош керак, икки қўл керак, икки бут керак: бош сардор бўлғай. Икки қўл икки тарафтин келур кўмак ва мадад бўлғай. Икки бут қўрғоннинг суйи билаз ахираси бўлғай.

* * *

Иш қопуға келган маҳалда жидд ва эҳтимомни тақсир қилмоқ керак. Сўнгра пушаймонлиқ бефойдадур.

* * *

Оламда жон ваҳмидин ёмонроқ нима бўлмас эмиш.

* * *

Сен ўзинга ёмонлик қилувчини турмуш ҳукмига ҳавола қил. Турмуш сенга ўч олиб берувчи хизматкордир.

* * *

Ғаразким, бу дунёда кишидин ушмундоғ нималар қолур, ҳар ким ақлдин баҳравар бўлса, нега андоғ ҳаракатга иқдом қилғаайким, андин сўнг ёмон дегайлар ва ҳар кишига ҳушдин асари бўлса, нега андоғ амрга иқдом ва эҳимом қилмағайким, қилғондин сўнг мустаҳсин дегайлар.

* * *

Ҳар кимдин яхши қоида қолғон бўлса анинг била амал қилмоқ керак.

* * *

Агар ота ёмон иш қилғон бўлса, яхши иш билан бадал қилмоқ керак.

* * *

Ҳар бир юзага келган яхши-ёмонликни текшириб қарасанг, турмуш учун хайриятлидир.

* * *

Неким азалда Тенгри тақдир қилибтур, андин ўзга бўлмас.

* * *

Ёмон от била тирилгандин, яхши от билан ўлган яхшироқ.

* * *

Инсон табиати ўзининг яратилиши бўйича нафс лаззатларига мойилдир.

* * *

Башар нафси ёмонликка майл этишдан узоқ эмас.

* * *

Ўрнига қараб, гулга – гул, тиканга – тикан бўл.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

АМАЛИЙ КЎНИКМАЛАРИ ОШИРИЛДИ

УЧТЕПА ТУМАНИДАГИ 199 - МАХСУС ЁРДАМЧИ МАКТАБИДА 299 НАФАР ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН, НОГИРОН, АҚЛИЙ ВА ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШИДА НУҚСОНИ БОР БОЛАЛАР ТАҲСИЛ ОЛИШАДИ.



Дефектолог педагоглар мактаб ўқувчиларининг ҳар томонлама ривожланишлари йўлида бор билим-маҳоратларини сарфламоқдалар. Замонавий билимларни эгаллашлари учун мактабда барча шарт-шароитлар яратилганлигидан ташқари, раҳбарият саъй-ҳаракатлари билан турли тадбирлар, қўшимча машғулотлар ўтказишга ҳам катта эътибор қаратилади. Жумладан, ҳозирги кунда долзарб масала бўлган фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўриш бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида мунтазам равишда машғулотлар уюштирилади. Масалан, шу мавзуда расм чизиш бўйича кўриктанлов ташкил этилди. Эвакуация бўйича, жароҳатланганларни транспорт орқали элтиш бўйича ўқувчилар билан амалий машғулотлар ўтказиб турилибди. Ёнғин хавфсизлиги ойлиги давомида ҳам суҳбатлар, учрашувлар ўтказилди, ёнғин хавфсизлиги музейига экскурсия уюштирилди.

«Мактаб—маҳалла—оила» концепцияси бўйича 199 - махсус ёрдамчи мактабда «Фавқулодда вазиятларда болалар хавфсизлигини таъминлаш» мавзусида семинар-машғулот ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ махсус гуруҳи, Учтепа тумани ИИВ ЁХБ ходимлари, «Ватанпарвар» маҳалласи фаоллари иштирок этдилар. Семинар-машғулотдан сўнг мактаб ҳудудида ёнғин хавфсизлиги техникаси бўйича амалий машғулотлар ўтказилди. Болалар ёнғин ўчириш машиналари ҳамда ёнғин вақтида фойдаланиладиган махсус ўт ўчириш асбоб-ускуналарининг ишлаш усуллари билан яқиндан танишдилар. Ўйлаймизки, бундай тадбирлар болалар ўз ҳаёти хавфсизлигини таъминлашида, уларнинг бешикаст улғайишида ўзига яраша аҳамият касб этади.

(Ўз мухбиримиз)

Тақдимот

ИЖОДКОРНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

ШАҲРИМИЗДАГИ ФОТОСУРАТЧИЛАР УЙИДА МУСИҚАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИНИНГ ЕТАКЧИ УСТАСИ ОЛЬГА НУГАЕВАНИНГ ЎЗ ИЧИГА 15 ТА РОМАНС, ЛИРИК ҚЎШИҚЛАРНИ ОЛГАН, ДАСТЛАБКИ ЛАЗЕР ДИСКИНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Таъкидлаш лозимки, қўшиқларнинг мусиқасини Ўзбекистон, Россия, Украинанд ва Канадада ўз асарлари билан танилган иқтидорли бастакор Святослов Мансуров-Ковригенко ёзган.

Биз авваллари О.Нугаеванинг қўшиқ куйлаш маҳоратини фақат театр саҳнаси орқали кўрар эдик. Яхши танланган репертуар, қўнғироқдек овоз, дилтортар мусиқага бўлган ички сезги Ольга профессионал қўшиқчилик сари етаклади. Изланиш ва маҳоратсеварлик, янгиликка интилиш унинг ижодий муваффақиятининг асосий қирраларидир. Биз келгусида Ольга Нугаевага ҳам театр саҳнасида, ҳам қўшиқчилик соҳасида катта муваффақиятлар тилаб қоламиз.

(Ўз мухбиримиз)

БОЗОРЛАР ТЎКИНЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

МАМЛАКАТИМИЗДА БОЗОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ, АҲОЛИГА КЎРСАТИЛАЁТГАН САВДО ХИЗМАТИ СИФАТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ОБОДОНЛАШТИРИШ, БОЗОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОСЛАШТИРИШ ИШЛАРИ, НАРХ-НАВО ХАРИДОР ТАЛАБИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ШАКЛЛАНТИРИЛАЁТГАНИ БУНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИДИР.

"Тошбозортайёрловсавдо" уюшмасидан маълум қилишларича, Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган 12 деҳқон бозори ва уларнинг 40 филиалида аҳолини қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва бошқа турдаги арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш борасида муайян чоралар кўрилмоқда. Жумладан, қиш-баҳор мавсумида аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, нархлар асоссиз ошишининг олдини олиш мақсадида зарур миқдорда заҳира тайёрланди.

Уюшмага қарашли омборларда ҳозир зарур миқдорда картошка, пиёз ва бошқа маҳсулотлар ғамлаб қўйилди.

Пойтахтимиз аҳолисининг энг зарур қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида кўрилаётган бундай чора-тадбирлар қишда ҳам бозорларимиз тўкинлигини таъминлашга хизмат қилади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

Қонун барчага баробар

ТЕКШИРУВДА АЁН БЎЛДИ

КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА АЙРИМ КОРХОНАЛАР ВА ФИРМАЛАР ТОМОНИДАН ҚОНУНГА ЗИД РАВИШДА МИНИ-ДИСКЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАНИ ВА СОТИЛАЁТГАНИ ҲОЛАТЛАРИГА ГУВОҲ БЎЛМОҚДАМИЗ. ЖУМЛАДАН, ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН «CD-PROFI» МЧЖГА ҚАРАШЛИ 17 ТА САВДО ДЎКОНЛАРИДА ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИЛГАНИДА ЖАМИЯТНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАР ВА МАНСАБДОР ШАХСЛАРИ ТОМОНИДАН КИРИМ ҲУЖЖАТЛАРИ ВА СИФАТ СЕРТИФИКАТЛАРИ БЎЛМАГАН ЖАМИ 531.562.450 СЎМЛИК КОНТРАФАКТ DVD, CD, VCD ДИСКЛАРИ САВДОСИ БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИЩДА ШУҒУЛЛАНИБ, САВДО ҚОИДАЛАРИНИ ЖУДА КЎП МИҚДОРДАГИ ҚИЙМАТДА БУЗГАНЛИКЛАРИ АНИҚЛАНДИ.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси « Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунининг 19-моддасига асосан, муаллиф асаридан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга юридик ҳамда жисмоний шахслар асардан фақат ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартномаларга асосан фойдаланишлари мумкин. Бинобарин, ўрганиш жараёнида ишлаб чиқарилган вақтинчалик олиб қўйилган 97404 дона жами 525193,4 минг сўмлик DVD, CD, VCD дисклар Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонуни талабларига зид равишда муаллифлик ҳуқуқи эгаси билан шартномалар тузилмасдан тайёрланганлиги маълум бўлди. Ушбу ҳолатга мусиқий ва аудивизуал асарлар ҳамда компьютер дастурлари қонунчиликни бузган ҳолда тарқатилаётган деб қаралди ва контрафакт ҳисобланди.

Олинган маҳсулотлар ўрганиб чиқилганда мусиқий ва аудивизуал асарларга ҳамда компьютер дастурлари лицензияланган дисклар ва мувофиқ эмаслиги аниқланди.

Шу билан бирга қайта саноқдан ўтказиш натижасида 10 дона 2861,7 минг сўмлик асосий воситалар, 914 дона 157,8 минг сўмлик хом ашё материаллари камомади борлиги аниқланди.

Текширув жараёнида ДСБ ходимлари томонидан вақтинчалик олиб қўйилган 54 дона умумий қиймати 309,5 минг сўмлик экспресс тўлов карточкаларининг ҳақиқатан ҳам кирим ҳужжатлари мавжуд эмаслиги ҳам маълум бўлди.

Дилмурод МАМАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖ ва ЖДЛКК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси катта тафтишчиси

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарори билан тасдиқланган «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги 630-сонли қарори билан тасдиқланган "Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида"ги Низоми меъзонларига мувофиқ тугатилаётган қуйидаги корхоналарнинг

№	Корхона номи	СТИР	Туман номи
1	"Shimus Plus" МЧЖ	300586022	Юнусобод
2	"Elegant Turizm" МЧЖ	206250907	Ҳамза
3	"Saka Dreams" МЧЖ	206670795	Чилонзор
4	"Shahsan Group" АФ	205018290	Сергели

таъсис ҳужжатлари ва Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларнинг асл нусхалари ҳамда фаолият юзасидан олинган лицензиялари, думалоқ муҳр ва бурчакли штамплари бекор қилинади. Корхоналарнинг дебитор ва кредитор даъволари бўйича Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 6-уйга мурожаат қилишингизни сўраймиз. Тел: 232-00-97.



Спорт

БУ ЕРДА ЧЕМПИОНЛАР ШУҒУЛЛАНАДИ

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДА ЖОЙЛАШГАН «ТОШКУЧ» СПОРТ КЛУБИНИНГ ФАОЛИЯТ БОШЛАГАНИГА УЧ ЙИЛ БЎЛДИ. БИРОҚ ЎТГАН ҚИСҚА ВАҚТ ИЧИДА КЛУБ ЯҚИН АТРОФДАГИ МАВЗЕ ВА МАҲАЛЛАЛАРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ КЎПЧИЛИК ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТЛАРИНИ КЎНГИЛЛИ ЎТКАЗИБ, САЛОМАТЛИКЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШИГА ОМИЛ БЎЛУВЧИ СЕВИМЛИ МАСКАНГА АЙЛАНДИ.

Спорт клубида футбол, бокс, муайтай ва кикбоксинг секциялари мунтазам ишлаб турибди, яқинда тренажёрлар зали очилди. Энг муҳими, бу ерда ўз спорт турлари бўйича жаҳон, Европа, Осиё микёсидаги мусобақалар ва республика ва шаҳар чемпионлари бўлган тажрибали мураббийлар — ака-ука Умидулло ва Шукур Қўчқоровлар, Нурулло, Уманулло, Асадулло Тошбоевлар, Салим Самаджонов, Зокир Ҳакимов, Аслиддин Мусаев, Дониёр Ҳасанов, Юрий Арслонов, Баҳодир Ёқубов, Сергей Трубицинлар фаолият кўрсатишади.

Клуб жойлашган бино, унчалик катта бўлмаса-да, бир ойда 200 кишининг спорт билан шуғулланиши учун тўлиқ шарт-шароитлар яратилган. Машғулотларнинг қизиқарли ташкил этилиши сабабли клубга қатнашишни хоҳловчилар сони кўпчиликни ташкил этади.

— Мен спортни жон-дилидан севувчи ва машғулотларга жиддий ёндошувчи ёшларга маҳорат сирларини ўргатяпман, — дейди пауэрлифтинг бўйича халқаро турнирлар ва республика чемпионатларининг бир неча бор чемпион ва совриндори Сергей Трубицин, — Геннадий Чесноков, Светлана Камаева ва Алёна Самова каби мусобақаларда юқори натижалар кўрсатаётган ёш шогирдларим билан фахрланаман.

Бошқа спорт турлари бўйича секциялар фаолияти тўғрисида ҳам мана шундай илиқ фикрларни келтириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, «Тошкуч» клуби шаҳримиздаги ёш чемпионлар етишиб чиқадиган нуфузли масканлардан бирига айланган ва биз келгусида клуб мураббийлари ҳамда спортчиларига омад тилаб қоламиз.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: «Тошкуч» спорт клубида машғулотлар доим мана шундай қизиқарли ўтади.
Алексей Попов олган суратлар

МЕССИ ТОШКЕНТДА

Ўтиб бораётган 2008 йил чин маънода юртимиз футболи учун ўзгаришлар йили бўлди, дейиш мумкин.

Чунки бу йилда футболчиларимиз томонидан кўплаб ютуқлар қўлга киритилди. Хусусан, бу борада Ўзбекистон футбол федерацияси кўплаб хайрли ишларни амалга оширди. Ёз фаслида Камерун терма жамоаси ҳамда Испаниянинг «Барселоно» клуби ҳужумчиси Самуэл Это ва бир қатор испаниялик таниқли футбол юлдузлари улардан Карлос Пуёлнинг юртимизга ташриф буюриши эндигина футболга кириб келаётган ёш ўйинчилар учун ўзига хос тажриба вазифасини ўтаб берди.

Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан ўтказилаётган бу каби хайрли ишлар юртимизда миллионлар ўйини бўлган футболни янада ривожлантиришга қаратилган.

Жаҳон футболининг яна бир юлдузи Леонел Месси Тошкент халқаро аэропортида кўп сонли футбол ишқибозлари, фанклуб аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари томонидан кутиб олинди.

«Барселона» жамоаси ҳужумчиси Ўзбекистон футбол федерациясида бўлиб, у ердаги ноёб экспонатлар ҳамда ўзбек футболига муносиб ҳисса қўшган футболчилар билан яқиндан танишди. Шундан сўнг пойтахтдаги Чиғатой стадионида олимпиада чемпиони ёш футболчиларга мастер-класс машғулотларини ўтказди. Куннинг иккинчи ярмида Леонел Месси иштирокида «Интерконтинентал» меҳмонхонасида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда аргентиналик ҳужумчи журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

– Юртингизга ташриф буюриб жуда кўплаб таассуротларга эга бўлдим, – деди Л. Месси. – Бу ерда ёш футболчилар учун биринчи марта мастер-класс машғулотларини ўтказдим. Келажакда бу ёш иқтидор эгалари орасидан маҳоратли футболчилар етишиб чиқишига ишонаман.

Эслатиб ўтамиз, аргентиналик юлдуз фаолияти давомида 2006 йили Европа чемпионлар лигасида, шунингдек, терма жамоа сафида Пекинда ўтказилган ёзги олимпиада ўйинларида олтин медалларни қўлга киритган.

Рустам ҲАЙДАРОВ,
«Туркистон-пресс»

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ВАНТ-GLOBAL-TRANS-SERVIS» МЧЖ жамият устав фондининг 18 760 000 сўмдан 7002000 сўмга камайтирилиб, 11758000 сўм қилиб ўзгартирилганини билдиради.

(Газетанинг навбатдаги сони 26 декабрда чиқади)

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 1106

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3257 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига, ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 6

Топширилган вақти: 13.50